

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 27 ноябрь, № 230 (5650) Сешанба


Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



23 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

## ДЕПУТАТЛАР 2013 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ДАСТУРИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР

Қонунчилик палатаси Кенгаши таклиф этган кун тартиби тасдиқланганидан сўнг депутатлар 2013 йилда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳасини муҳокама қилдилар. Ушбу масала юзасидан меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири А. Ҳаитов маъруза қилди.

Маърузачи шуни таъкидладики, 2013 йилда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган. Ушбу Дастурнинг асосий мақсади ҳудудлар ҳамда ишлаб чиқариш тармоқларининг иқтисодий салоҳиятидан тўлиқроқ фойдаланиш, нуфус ўзгаришлари таъсирини ва иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, иш билан таъминлашнинг самарали шаклларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш ҳамда фуқароларнинг тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш йўли билан аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли ва ўзаро бир-бири билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Дастур Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил ноябрь ойида ўтказилган қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини, 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини ҳамда меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган. Дастур ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, аҳолининг кам таъминланган қатламлари, биринчи навбатда, кўп болали аёллар, ногиронларни, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш, уларни касбга қайта тайёрлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш борасида фаол ва аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга доир тармоқ дастурларини ҳисобга олган ҳолда вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича алоҳида-алоҳида ишлаб чиқилган.

Келгуси йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий прогноз параметрлари ва йўналишлари — ҳудудлар ҳамда иқтисодиёт тармоқларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, алоҳида тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантиришнинг маҳаллий ҳамда махсус дастурлари билан уйғунлаштирилганлиги алоҳида таъкидланди.

2013 йилда 972,7 мингта янги иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда. Бу иш ўринлари янги йирик саноат объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш, кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳаларини ривожлантиришни бундан буён ҳам рағбатлантириш, касаначилик имкониятларини, шу жумладан, йирик корхоналар билан кооперациялашган касаначилик имкониятларини кучайтириш ҳисобига ташкил этилади. Касаначилик соҳасида иш ўринларининг катта қисми анъанавий равишда миллий ҳунармандчилик марказлари ҳисобланиб келинадиган минтақалар — Наманган, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Бухоро вилоятларида ташкил этилади.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа етарли даражада ривожланмаган, ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган тоғли, чегара ҳудудларда жойлашган 28 та олис туманга алоҳида эътибор берилади. 2013 йилда бу ҳудудларда камида 126 мингта янги иш ўрни ёки 2012 йилдагидан беш фоиз кўп иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда. Келгуси йилги Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган тоифаларини ишга жойлаштириш яна бир устувор йўналишлардан биридир. Дастур доирасида ногиронларни ҳамда меҳнат бозорида қийинчиликка дуч келаётган бошқа шахсларни ишга жойлаштириш учун камида 100 мингта иш ўрнини захиралаш (квоталаш) белгиланган. Таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг муҳим йўналишларидан биридир. 2013 йилда бўш ва захирадаги иш ўринлари ҳисобига касб-ҳунар коллежларининг 500 мингдан зиёд битирувчиларини ишга жойлаштириш белгиланган.

(Давоми 2-бетда).

# Боқий қадриятлар таранnуми

«Bazar-Art — 2012»

*Бугун истеъдодли уста ҳунармандларимиз қўлида сайқал топган бетакрор ижод намуналари халқимизнинг бой ўтмиши, маданияти ва бебаҳо анъаналарини бутун жаҳонга танитмоқда. Қувонарлиси шундаки, ҳунармандларимизнинг эмин-эркин меҳнат қилиши учун яратиб берилаётган қулай шарт-шароит ва имкониятлар туфайли ёшларимиз ҳам ота-боболардан мерос ҳунар турларини ўрганиб, шу орқали катта ҳаётга қадам қўймоқдалар, ўнлаб шогирдлар тарбияламоқдалар.*






Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида бўлиб ўтган “Bazar-Art — 2012: Куз ёрқин рангларга тўлсин!” деб номланган кўргазма-ярмаркада улар яратган бири-биридан бежирим маҳсулотларни кўриб, бунга яна бир бор амин бўлдик. Анъанага мувофиқ, бу гал ҳам арт бозорда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан миллий ва замонавий санъат йўналишларида ижод қилаётган устозу шогирдлар иштирок этишди.

Ушбу лойиҳа “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталарининг “Ijod” уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Анъанавий ва безакли амалий санъат йўналишидаги ижодий изланишларни кенг миқёсда намоён қилиш, ижодкор сулолалар, истеъдодли ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг соҳадаги энг сўнгги янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб боришини таъминлашга хизмат қилаётган “Bazar-Art” лойиҳасида бу гал ҳам истеъдодли устоз-шогирдларга махсус грантлар ажратилди. Шунингдек, таниқли санъат арбобларидан иборат ҳакамлар ҳайъати кўргазма-ярмарка иштирокчиларини турли номинациялар бўйича баҳолаб боришди.

(Давоми 2-бетда).

Фермерлар кенгаши

*Республикамизда фермерлик ҳаракатига устувор аҳамият берилиб, қишлоқда мулкдорлар синфини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ислоҳотлар изчил олиб борилянти. Натижада аграр соҳада самарадорлик тобора ошмоқда. Истиқлол йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми бир неча баробарга кўпайгани бунинг амалий тасдиғидир.*

## Қишлоқ хўжалиги: Изчил ислоҳотлар ва истиқбол

*Ислоҳотларнинг навбатдаги босқичи нафақат фермер хўжаликларини, балки унинг бошқарув тизимини ҳам такомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятли. Бу фикр вилоятларда бўлиб ўтаётган фермерлар кенгашининг таъсис конференцияларида бот-бот такрорланмоқда.*

### САМАРҚАНД

Кейинги йилларда вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳаси рентабеллиги ошиб, олинаётган даромад салмоғи кўпаймоқда. Ер майдонлари ҳақиқий эгасини топгани, фермер хўжаликларига барча шарт-шароит яратиб берилгани бунда муҳим омил бўлмоқда.

Самарқанд вилояти фермерлар кенгашининг таъсис конференциясида шулар ҳақида сўз юритилиб, ҳали қишлоқ мулкдорларининг ишга солинмаган имкониятлари кўплиги, ундан оқилона фойдаланиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Бу жараёнда Президентимизнинг шу йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига

*Инсонпарварлик ва адолат тамойиллари мустаҳкам қарор топган эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, обод Ватанимизни янада тараққий эттириш халқимизнинг эзгу мақсадидир. Бунинг учун мамлакатимизда зарур ҳуқуқий-ташкилий шарт-шароитлар яратилгани кутилган самараларни бермоқда. Албатта, ўтган йиллар мобайнида қўлга киритилган ютуқлар давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган тараққиётнинг “Ўзбек модели” шарофати, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.*

## Демократик тамойиллар ифодаси

Ушбу моделнинг маъно-мазмуни давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ҳамда янгилаш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширишдан иборат.

Буларнинг пировард натижасида халқимиз ўзлигини англаб етди, қаддини ростлади, ўз кучига тўла ишонч ҳосил қилди. Демократик жамият барпо этишга салоҳиятимиз ва куч-имкониятларимиз етадиган халқ эканлигимизни дунё жамоатчилиги тан олди. Президентимиз таъкидлаганидек, яқин орада ўзимиз ва келажак авлодларимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган, ривожланган, маърифий, ҳуқуқий демократик давлатларда мавжуд бўлган ҳаёт даражасига эришишимиз муқаррар. Бинобарин, Конституциямиз муқаддимасида ҳам республика фуқароларининг муносиб фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлаш давлатнинг устувор вазифаси сифатида белгилаб қўйилган.




Айтиш керакки, Асосий Қонунимиз чинакам демократиянинг асл мазмунини тўла-тўкис акс эттириб, фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ҳуқуқий алоқаларни оқилона уйғунлаштирмоқда. Шунингдек, демократик институтларни ҳамда уларга мос янги ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш, уларни самарали ҳуқуқий тартибга солиш ва ривожлантиришнинг қудратли омили бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, Конституциямизда юртимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принциплари ўз ифодасини топган.

Маълумки, фуқаролик жамияти муайян ижтимоий ва хусусий манфаатлар муштараклиги, эркин иқтисодий муносабатлар замирида қарор топиб, ўзига хос демократик сиёсий шаклда, маънавий-ахлоқий негизда намоён бўладиган ижтимоий макондир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўзини ўзи камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон «Import Shop Berlin» кўргазмасида

*Яқинда Германия пойтахтида ҳар йили ўтказиладиган “Import Shop Berlin” халқаро ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 60 мамлакатидан келган 600 нафардан зиёд вакил иштирок этди.*

Биз ва жаҳон

Мазкур анъанавий ярмарканинг “Ипак йўли” лойиҳаси доирасида бир гуруҳ бухоролик ҳунармандлар томонидан тайёрланган турли-туман халқ амалий санъати маҳсулотлари тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

Ўзбекистон бўлмаси берлинликлар ва пойтахт меҳмонлари, шунингдек, тадбирда қатнашаётган соҳа мутахассислари билан гавжум бўлди.

— Ярмаркамизни ўзининг бетакрор санъат намуналари ва ғоялари билан бойитишга қодир бўлган турли мамлакатлар вакилларининг иштироки бизга доимо қувонч бағишлайди, — деди тадбир ташкилотчиларидан бири Кармен Штайнкамп “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида. — Қадим Бухоро ҳунармандлари яратган беқиёс санъат буюмлари Ўзбекистон бўлмасини безаб турибди. Ўзбек усталари яратган буюмлар бетакрор ва гўзаллиги билан бизда катта таассурот қолдирди.

(Давоми 2-бетда).

## Кооперацион алоқалар мустаҳкамланмоқда

*Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида VI Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси якунларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.*

Анжуман

Таъкидландики, Президентимиз ташаббуси билан асос солинган мазкур саноат форуми иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқлари, айниқса, саноат ривожида янги имкониятлар эшигини очди. Сабаби, у реал сектор корхоналарининг узоқ муддатли хўжалик алоқаларини шакллантириш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида кенгроқ маълумот бериш, ҳамкорлар топиш ва маҳсулотлар етказиб бериш учун қулай бозор инфратузилмасини вужудга келтирди. Ўтган олти йил давомида саноат кооперацияси орқали тузилган шартномалар ҳажми 4,5 баробарга ошгани бунинг ёрқин далилидир.

(Давоми 2-бетда).

## Саноат ҳудудининг улкан салоҳияти

Бир рақам шарҳи

**Жорий йилнинг 9 ойида “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида ишга туширилган ўн битта корхона томонидан умумий қиймати**

**47,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.**

*Бу инвестициялар, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинган ҳолда, халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган истиқболли лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилгани туфайли мазкур саноат ҳудудининг салоҳияти тобора юксалаётганидан далолат беради.*

Банк тизими

O‘ZSANOATQURILISHBANK

*Мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилган ислоҳотлар мазмун-моҳиятига назар ташласак, Ватанимиз ободлиги, фуқароларимиз турмуш даражасини янада яхшилаш борасида нечоғли улкан ишлар амалга оширилаётганига амин бўламиз. Жумладан, поёнига етаётган Мустаҳкам оила йилида ҳам иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш йўлида беқиёс ютуқ ва марралар қўлга киритилмоқдаки, бу барчамизнинг қалбимизга чексиз фахр туйғусини бағишлаб, эртанги кунга бўлган ишончимизни мустаҳкамламоқда.*

# Бош мақсад – мижоз манфаати

## Ана шу мезон асосида фаолият юритаётган “Ўзсаноатқурилишбанк” жамоаси мамлакатимиз молия бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамламоқда.

Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси ва ғояси асосида ишлаб чиқилиб, жаҳонда “ўзбек модели” дея ном олган миллий тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри эканини амалда қайта ва қайта ўз исботини топмоқда. Яъни бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни, “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг”, деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танлаганимиз улкан марраларни эгаллашимизда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Шу боис Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли дунёдаги энг нуфузли халқаро молия институтлари эътиборини қозонаяпти. Хусусан, жорий йилнинг сентябрь ойида пойтахтимизда “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзуида халқаро конференция ўтказилгани, унда БМТ, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари, АҚШ, Хитой, Япония, Буюк Британия, Франция сингари жаҳоннинг 50 га яқин мамлакатидан келган етакчи олим ҳамда экспертлар иштирок этгани тажрибаларимизни ўрганишга бўлган қизиқишнинг юқорилигидан далолатдир.

Бу воқеа мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор тармоқларига хизмат кўрсатувчи энг етакчи банк сифатида “Ўзсаноатқурилишбанк” учун ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Мустақиллигимиз шарофати билан ушбу банк республикамиз молия бозорида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлди. “Вақт давомида синалган ишонч” шиори остида фаолият юритувчи мазкур муассаса ҳозирги кунда тўрт минг кишилик ходимлар иштирокида саноат, қурилиш, транспорт, алоқа хизмати, таъминот корхоналари ҳамда ташкилотларига, умуман, иқтисодиётнинг барча тармоқларига юксак талабларга жавоб берувчи замонавий банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Таклиф қилинаётган хизматлар қамрови кенглиги боис “Ўзсаноатқурилишбанк” нафақат молия бозорида, балки миллий иқтисодиётимизда ҳам ўз мавқеини мустаҳкамлаб бораётир. Бугунги кунда унинг 44 та филиали, 76 та минибанки, 126 та жамғарма, 167 та махсус кассаси ва бошқа шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. Банк мижозлари сони эса бир миллиондан ошиб кетди.

Жорий йилнинг 10 ойи якунларига кўра, “Ўзсаноатқурилишбанк” Низом жамғармаси 202,3 миллиард сўмни ташкил қилди. Жами кредит қўйилмалари миқдори қарийб 3,2 триллион сўм, умумий активлари ҳажми эса 4,7 триллион сўмдан ошди. Истиқболда ушбу кўрсаткичларни қадам-бақадам кўпайтириб бориш режалаштирилган.

**Факт ва рақамлар**

- *“Ўзсаноатқурилишбанк” инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришда алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. Хусусан, 2012 йилги Инвестиция дастурига кўра, 114 та йирик инвестициявий лойиҳада хизмат кўрсатувчи ва молиялаштирувчи етакчи банк сифатида иштирок этаяпти.*
- *Шу йилнинг ўн ойи давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига 331,1 миллиард сўмлик кредит маблағи ажратилди. Шунинг ҳисобига қўшимча ўн мингга яқин янги иш ўринлари яратилди.*
- *Банк тасарруфига олинган жами 15 та банкрот корхона негизида ташкил этилган 9 та янги субъектда ишлаб чиқариш қайтадан йўлга қўйилди. Мингдан зиёд иш ўринлари яратилди. Йил бошидан буён жами 3,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, уларнинг бир қисми экспорт қилинди.*

Банкнинг самарали фаолияти жаҳоннинг энг йирик халқаро рейтинг агентликлари томонидан ҳам ижобий баҳоланмоқда. Буни бир йилнинг ўзида икки энг нуфузли — “Fitch Ratings” ва “Standard & Poor`s” халқаро рейтинг агентликлари “Ўзсаноатқурилишбанк”ни ишончли ва барқарор молия муассасаси сифатида эътироф этганлиги яққол тасдиқлайди. Халқаро даражадаги эътирофга сазовор бўлиш банк фаолиятининг барқарор натижалари, даромад кўрсаткичлари изчиллиги, мижозлар сонининг ошиб бориши, бой тажрибага эга эканлигининг ёрқин намойишидир. Бундан ташқари, нуфузли рейтинг ташкилотларининг ижобий хулосаси “Ўзсаноатқурилишбанк”ка Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, UBS, LandesBank Berlin, Хитой Эксимбанки, KfW ва дунёнинг бошқа қатор нуфузли молия муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга кенг йўл очиб беради.

Мижоз ишончини қозониш ушбу молия муассасаси фаолиятининг энг муҳим мезонидир. “Ўзсаноатқурилишбанк” ана шу мақсадга эришиб келаяпти. Аҳил ва ташаббускор жамоа бундан руҳланиб, кредит қўйилмалари бозоридаги муваффақиятли фаолиятини давом эттирмоқда. Бу орқали банк тадбиркорларни мақсадли молиявий қўллаб-қувватлаб, хизмат кўрсатаётган корхоналарнинг молиявий ҳолатини соғломлаштиришга кўмаклашмоқда. Табиийки, хўжалик субъектларини модернизациялаш, шу орқали иқтисодиётни юксалтириш нақадар аҳамиятли эканлиги хусусида алоҳида тўхталиб ўтишнинг ҳожати бўлмаса керак. Бу, аввалambор, аҳоли бандлиги, унинг фаровонлиги, даромадларини ошириш, энг муҳими, ижтимоий масалаларни ҳал этиш демакдир.

“Ўзсаноатқурилишбанк” мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. Шу йилнинг 10 ойи давомида ушбу соҳага 331,1 миллиард сўмлик кредит маблағи ажратилди. Шунинг ҳисобига қўшимча ўн мингга яқин иш ўрни яратилди.

Айни пайтда банк ёшлар, аёллар тадбиркорлиги, касаначилигу ҳунармандчилик, фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан тортиб, уларнинг ҳаётий муҳим масалаларини ҳал этиш йўлида ҳам талай ишларни амалга оширмоқда. Биргина “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида минглаб оилаларга жами 16,2 миллиард сўмлик кредитлар ажратилганлиги банкнинг жамиятимиз муҳим бўғини ҳисобланган оилаларга бўлган эътибори нақадар катталигидан далолат беради.

Молия муассасаси мақсадли кредит қўйилмалари миқдорини янада кенгайтириш чораларини кўрмоқдаки, булар тез орада бугунгидан-да салмоқли самаралар келтириши, шубҳасиз.

Биласиз, сўнгги вақтларда банкларнинг тасарруфига ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар юксак баҳоланмоқда. Чунки мамлакатимизда тижорат банкларини зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб қилиш тажрибаси амалда ўзини оқлади. “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг бу борадаги фаолияти фикримизга яққол мисол бўла олади. Бунда Президентимизнинг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида банк балансига олинган банкрот корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, шу билан бирга, лойиҳавий инвестициялаш ҳамда инвестициявий кредитлар ажратишнинг комплекс чора-тадбирлари ишлаб чиқилганлиги ҳам самарасини бераётир.

Маълумотларга қараганда, банк тасарруфига олинган жами 15 та банкрот корхона негизида ташкил этилган 9 та янги субъектда ишлаб чиқариш қайтадан йўлга қўйилди. Мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди. Йил бошидан буён эса жами 3,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, уларнинг бир қисми экспорт қилинди.

**Факт ва рақамлар**

- *“Ўзсаноатқурилишбанк” жаҳон молия бозорида ҳам ўз мавқеини тобора мустаҳкамламоқда. Бир йилнинг ичида дунёнинг икки энг нуфузли — “Fitch Ratings” ва “Standard & Poor`s” халқаро рейтинг агентликлари мазкур банк фаолиятини муносиб баҳолаб, уни истиқболли, ишончли ва барқарор молия муассасаси сифатида эътироф этгани бунинг яққол тасдиғидир.*
- *Банк 44 та филиали, 76 та минибанки, 126 та жамғарма, 167 та махсус касса ва шохобчалари орқали 1 миллиондан зиёд мижозларга давр талабларига жавоб берувчи замонавий банк хизматларини кўрсатаяптики, бу унинг иқтисодий салоҳиятидан дарақдир.*

Шу ўринда “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш борасидаги фаолияти хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Негаки, мазкур банк юртимизда пластик карточкаларни биринчилардан бўлиб муомалага чиқарган молия муассасаси ҳисобланади. Банк мижозларга янада қулайлик яратиш мақсадида энг сўнгги замонавий технологияларни жорий қилмоқда. Хусусан, банкда мижозларга масофадан туриб кўрсатиладиган ўнлаб хизмат турлари — “Банк-мижоз”, “Интернет-банкинг”, “SMS-банкинг” каби қатор дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Биргина шу йилнинг ўн ойи мобайнида ушбу молия муассасаси томонидан жами 808 минг дона пластик карточка орқали қарийб 10 миллионта транзакция ўтказилиб, тўловлар миқдори 466,9 миллиард сўмга етгани ана шундан далолат беради.

Дарҳақиқат, “Ўзсаноатқурилишбанк” мижозларга бугунги талаблар даражасида хизмат кўрсатган ҳолда, уларга замонавий банк хизматларининг жозибадор турларини тақдим этмоқда. Мижозлар билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, шунингдек, уларга тезкор, ишончли, кафолатли хизмат кўрсатиш банк ҳисобварақларидаги маблағлар ҳажми сезиларли даражада ошишига олиб келмоқда.

Шуни қатъий ишонч билан айта оламизки, “Ўзсаноатқурилишбанк” жамоаси бундан буён ҳам кўрсатилаётган хизматларнинг барча турлари бўйича етакчилигини мустаҳкамлаб, молиялаш кўламини янада кенгайтираверади. Янги лойиҳалар, ғоялар устида тинимсиз изланиб, мижозлар эҳтиёжи учун қулай ва сифатли бўлган хизмат турларини таклиф этаверади. Қолаверса, Президентимизнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида банк тизимини янада такомиллаштириш билан боғлиқ қатор долзарб вазифалар белгилаб берилди. Мамлакатимиз тараққиётини таъминловчи бу ҳаётий устувор масалалар эндиликда “Ўзсаноатқурилишбанк” фаолиятида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мухтасар айтганда, буюк ва муқаддас Ватанимизнинг тараққиёти, ободлиги йўлида хизмат қилиш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишга муносиб ҳисса қўшиш “Ўзсаноатқурилишбанк” жамоасининг доимий диққат-эътиборидаги энг устувор мақсад бўлиб қолаверади.

**Ф. САНАЕВ.**


## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Сурхондарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 9 октябрдаги 19-1203/9669-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, ат-Термизий шоҳкўчаси, 9-«Г» уйда жойлашган, «Навонур-Файз-Фазо» хусусий корхонасига тегишли, майдони 300,99 кв.м., 2 қаватли, ертўлали, 26 хонадан иборат, 2009 йилда қурилган, компьютер хизмати, маиший хизмат кўрсатиш ва китоб савдо дўкони биноси.

***Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм.***

**2.** Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 18 октябрдаги 19-1103-07/11793-сонли ижро варақасига асосан, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 93-уйда жойлашган, «ЗАХАР и КОМП» хусусий фирмасидан хатланган, умумий майдони 7971,09 кв.м., 1 қаватли, 1991 йилда қурилган ишлаб чиқариш ва омборхона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 328 054 849 сўм.***

**3.** ФИБ Термиз туманлараро судининг 2012 йил 24 июлдаги 1-2315-сонли ижро варақасига асосан, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Бухоро кўчаси, 9-«А» уйда жойлашган, «Оскар-Глобал-Инвест» хусусий корхонасидан хатланган, умумий майдони 34,0 кв.м., 1 қаватли, 5 хонадан иборат савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш биноси.

***Бошланғич баҳоси — 74 000 000 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан ФИБ Сариосиё туманлараро судининг 2012 йил 18 апрелдаги 1-438-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Денов тумани, «Ш. Қобилов» СИУ, «Анбарсой» ҚФЙ, Ўртақишлоқ маҳалласида жойлашган, умумий майдони 134,40 кв.м., 1 қаватли, 4 хонадан иборат савдо дўкони ва ишлаб чиқариш цехи биноси.

***Бошланғич баҳоси — 26 061 199 сўм.***

**III.** Аукцион савдосига Шеробод тумани СИБ томонидан ФИБ Шеробод туманлараро судининг 2012 йил 23 январдаги 1-160-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Катта ҳаёт маҳалласи, Мустақиллик кўчасида жойлашган, майдони 166,5 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 4 хонадан иборат «Тароқли» номли хусусий дўкон ва ошхона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 99 550 772 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 28 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 26 декабрь куни соат 18.00.

**IV.** Аукцион савдосига Қумқўрғон тумани СИБ томонидан ЖИБ Жарқўрғон тумани судининг 2008 йил 29 сентябрдаги 1-1361-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, М. Қорабоев номидаги маҳалла, Ҳамид Олимжон кўчаси, 9-уй, 2-хонадонда жойлашган, майдони 512,30 кв.м., 1 қаватли, 1971 йилда қурилган А, А1, Б, В, Г, Д, Е, Ж, З литерлардаги яшаш уйи ва қўшимча бинолари билан 5 фоиз арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 12 891 711 сўм.***

**V.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-175-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Султон Саодат кўчаси, 13-уйда жойлашган, майдони 354,57 кв.м., 1984 йилда қурилган, 16 хонадан иборат, 1 қаватли, А литердаги маъмурий бино 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 135 225 000 сўм.***

**2.** ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-175-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Тинчлик кўчаси, 13-уйда жойлашган, майдони 576,0 кв.м., 1970 йилда қурилган, 4 хонадан иборат, 1 қаватли яшаш уйи 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 181 249 200 сўм.***

**VI.** Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2010 йил 5 ноябрдаги 2-111-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Денов тумани, «Қизилжар» ҚФЙ, К. Хандалов номидаги маҳаллада жойлашган, майдони 3050,0 кв.м., 2 қаватли, 10 хонадан иборат, 2006 йилда қурилган «Дилором» номли болалар боғчаси (ҳозирги кунда С. Истамов номида бўлган яшаш уйи) 5 фоиз арзонлаштирилган ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 415 296 223 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 12 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 10 декабрь куни соат 18.00.

